

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2024 ЙИЛ — ЁШЛАР ВА БИЗНЕСНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2024 йил 8 октябрь, № 205 (8828) Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯГА ТАШРИФ БУЮРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни амалий ташриф билан Москва шаҳрига келди.

«Внуково» аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Президентининг ёрдамчиси Максим Орешкин ва бошқа расмий шахслар кутиб олди.

8 октябрь куни МДҲ саммитининг асосий тадбирлари бўлиб ўтади. Кун тартибидан Ҳамдўстлик доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг долзарб масалалари ўрин олган.

ЎзА.

САЙЛОВ — 2024

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўйича сайлов кампанияси доирасида сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти давом этмоқда. Бугунги сонда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси номидан «Халқ фаровонлиги учун сифатли таълим, малакали тиббиёт ва кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаймиз» сарлавҳали мақола эълон қилинмоқда.

3-саҳифага қаранг.

Ўзбекистон — МДҲ:

УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИК МАКОНИ

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 7 октябрь куни амалий ташриф билан Москва шаҳрига борди. Мамлакатимиз етакчиси 8 октябрь куни бўлиб ўтадиган МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Биз ва жаҳон

МДҲ давлатлари ва институтлари билан алоқаларни ривожлантириш Ўзбекистон ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон МДҲ ташкил топганидан буён аъзо давлатлар билан барча йўналишда самарали ҳамкорликни мустаҳкамлаб, транспорт-коммуникация тармоқларини, иқтисодий алоқаларни кўп ва икки томонлама шаклларда ривожлантиришда фаол иштирок этиб келмоқда.

Ҳамдўстлик доирасида Ўзбекистон унинг 65 та тармоқ тузилмаси фаолиятида изчил қатнашяпти. Уларнинг мақсадлари миллий манфаатларга тўлиқ жавоб беради. Ўзбекистоннинг МДҲ ҳузуридаги Доимий ваколатхонаси институти фаолият кўрсатмоқда.

2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон Ҳамдўстлик доирасидаги фаолиятини сезиларли даражада жадаллаштирди. Хусусан, Ўзбекистон сўнгги етти йилда аввал имзоланган 24 та кўп томонлама ҳужжат, МДҲ олий органларининг 22 та қарори ва 20 дан ортиқ соҳавий ҳамкорлик органларига қўшилди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 — 2023 йилларда Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисларида иштирок этиши натижасида МДҲ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган 90 та турли таклиф илгари сурилди ҳамда уларнинг ўз вақтида ва тўлиқ миқёсда амалга оширилишини таъминлаш мақсадида “йўл хариталари” қабул қилинди.

Эътиборлиси, Ҳамдўстликка аъзо давлатларнинг кўмаги билан бугунги кунга қадар 80 дан ортиқ ташаббуслар ҳаётий ижобатини топди.

МДҲ давлатлари билан олий ва юқори даражадаги ташрифлар алмашинуви фаоллашди. Бу мамлакатлар Ҳамдўстликнинг улкан салоҳиятини очиш, кўп томонлама мулоқот ва ҳамкорликни, Евроосиё маконида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга интилишидан далолат беради.

Глобал қийинчиликларга қарамай Ўзбекистон МДҲ доирасида барча соҳада ҳамкорликнинг ижобий динамикасини таъминлаб келмоқда. Иқтисодиётларнинг таркибий мувофиқлиги ишлаб чиқариш кооперативи ва савдо-иқтисодий алоқаларни, машинасозлик, энергетика, кимё, фармацевтика, тўқимачилик ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни муваффақиятли ривожлантиришга хизмат қилаётир. Биргина сўнгги ойларда МДҲ мамлакатларидан бўлган шериклар билан 800 дан ортиқ янги корхоналар ишга туширилди.

Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 2023 йилда 20,6 миллиард долларга етди, шундан экспорт 8,1 миллиард АҚШ долларини, импорт эса 12,4 миллиард долларни ташкил этди. Жорий йилнинг етти ойида Ҳамдўстликка аъзо мамлакатлар билан ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 15 фоиздан ортиқ ўсиб, 15 миллиард доллардан ошди.

МДҲ давлатлари ва халқларини умумий маданий-тарихий мерос ва кўплаб гуманитар ришталар боғлаб тургани муҳим қимматли манбадир. Бу омиллар бугунги кунда Ҳамдўстликнинг мустаҳкам ва ишончли таянчлари бўлиб қолмоқда. Маданий алоқалар жадал ривожланяпти. Фестиваллар, концертлар, турли ярмаркалар, спорт ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказиб келиняпти.

Ўзбекистоннинг мазкур бирлашма аъзоси сифатидаги фаол позицияси ҳар томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатдан бойитиш ва мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган ташаббуслар эса формат доирасида кенг қўллаб-қувватланмоқда ва амалга оширилмоқда.

2

Форум

Минтақа аёлларининг муҳим платформаси

Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора Маруфова Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган “Аёллар, тинчлик ва хавфсизлик: Марказий Осиё минтақаси ва Афғонистонда тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлашда аёлларнинг роли” мавзуидаги форумда иштирок этди.

Марказий Осиё мамлакатлари аёллар мулоқоти доирасида ўтказилган ушбу форумда минтақа давлатлари парламентларининг аёл вакиллари, фаол хотин-қизлар, қатор халқаро ташкилотларнинг эксперт ва мутахассислари қатнашди.

Анжуманда тинчлик ўрнатишда аёллар етакчилиги, иқлим ўзгаришига гендер мослашуви, трансчегаравий сув ресурсларини бошқариш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда мазкур мулоқот минтақада тинчлик, хавфсизлик ва гендер тенглик масалаларини муҳокама қилиш йўналишида муҳим платформага айланди. 2021 — 2023 йилларда Ўзбекистон, Қозоғистон ва Тожикистоннинг ушбу форумга раислиги доирасида эришилган ютуқлар мисолида ҳам буни кўриш мумкин.

Эътиборлиси, шу даврда гендер тенглик ва аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор муҳим қарорлар қабул қилинди. Натижада гендер истиқболларини миллий сиёсатга интеграциялаш, рақамли инклюзивликни кенгайтириш, тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ҳамда атроф-муҳит барқарорлиги ва тинчлик ўрнатишда аёллар етакчилигини кучайтириш йўналишлари бўйича салмоқли ютуқларга эришилди. 2024 йилда Қирғизистон раислиги даврида эса ана шу ташаббусларни амалга ошириш бўйича ишлар изчил давом эттирилди.

Форум давомида вакилимиз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳақида батафсил тўхталиб ўтди. Айни чоғда 2025 йилда аёллар ҳуқуқлари ҳимояси ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича глобал ҳаракатга омил бўлган асосий ҳужжат — Пекин ҳаракатлар платформаси қабул қилинганига 30 йил тўлиши муносабати билан катта ишлар амалга оширилаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Форум якуни бўйича минтақавий ҳамкорликни янада ривожлантириш ва минтақавий миқёсда қарорлар имзолаш жараёнларида хотин-қизларнинг ролини кучайтиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Халқаро анжуман

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАР — МУАММОЛАРНИНГ МАҚБУЛ ЕЧИМИ

Аввал хабар берганимиздек, 3 — 7 октябрь кунлари пойтахтимизда илк бор VIII Бутунжаҳон пахта тадқиқот конференцияси бўлиб ўтди.

Дунёдаги қатор пахта етиштирувчи давлатлар олим ва экспертлари иштирок этган мазкур нуфузли анжуман доирасида глобал иқлим ўзгариши шароитида экин экиш тизимлари, ҳашаротларга қарши кимёвий ишлов бериш экологияси, робототехника ва сунъий интеллект каби мавзулар кенг муҳокама қилинди. Айтиш жоизки, сессияларда кўтарилган муаммолар ечими пахтачилик секторидаги янгича ёндашувлар, инновацион технология, илмий назариялар ва ишлаб чиқариш ҳамда уни амалиётга татбиқ қилишда муҳим аҳамият касб этади.

Анжуманнинг бир гуруҳ қатнашчилари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Геномика ва биоинформатика марказида бўлди. Мазкур марказ директори Забардаст Бўриев “Геномикадан инновацияларгача: стрессга чидамли янги авлод пахта навларини яратиш” мавзуида маъруза қилди. Иштирокчиларда мамлакатимизда пахта геномикаси ва соҳага жорий этилаётган инновациялар, турли зараркунандаларга чидамли навларни яратишда мамлакатимиз олимларининг тажрибаси катта қизиқиш уйғотди.

Конференция доирасида “B2B” учрашувлари ҳам бўлиб ўтди. Унда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳамдла Ҳиндистоннинг “Nath Bio – Genes” компанияси ўртасида икки томонлама ҳамкорлик йўлга қўйилди. Томонлар тенглик ва ўзаро манфаатдорлик асосида, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ва ўз ваколатлари доирасида икки томонлама шерикликни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилишди. Учрашув якунида икки томонлама англашув меморандуми имзоланди.

— Бугун дунёда глобал иқлим ўзгариши хавфи сезилиб турган пайтда пахтадан юқори ҳосил олиш, уруғчилик, ғўза селекциясини ривожлантириш масалаларини ҳамкорликда ҳал этишнинг аҳамияти ниҳоятда катта, — дейди Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти лаборатория мудири Баҳодир Халиков. — Шу жиҳатдан Тошкентда ўтказилган нуфузли анжуманда пахтачилик соҳаси олимлари тажриба алмашди ва пахта ҳосилдорлигини кўпайтириш, тола сифатини яхшилаш масалаларини кенг муҳокама қилинди.

Ҳозирги кунда пахтачилик соҳасида глобал муаммолар пайдо бўлмоқда. Хусусан, харажатларни камайтириш, қурғоқчилик ва иссиққа чидамли янги навлар яратишда Ўзбекистон олимларининг ҳам ҳиссаси катта бўлмоқда. Иқлим ўзгараётган бир пайтда олимларимиз томонидан кашф этилаётган қурғоқчиликка чидамли навлар қатор хорижлик олимлар томонидан юқори баҳоланди.

2

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки (ОИИБ) жадал ривожланиб бораётган йирик халқаро молиявий ташкилотлардан бири. Хитой Халқ Республикаси ташаббуси билан ташкил этилган банкнинг асосий мақсади — Осиё — Тинч океани минтақасида молиявий ҳамкорликни рағбатлантириш, Осиёдаги йўллар ва аэропортлардан тортиб уй-жой қурилишигача бўлган инфратузилма лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Нуқтаи назар

Айтиш жоизки, ОИИБ Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки каби йирик халқаро молиявий муассасаларнинг потенциал рақобатчиси бўлмаса-да, кредит ажратаётган давлатга сиёсий талабларни қўймаётганлиги боис дунёдаги энг ишончга сазовор банклардан бирига айланган.

ОИИБнинг таъсис этилиши ҳақидаги илк янгиликлар 2013 йилнинг октябрида пайдо бўлди. Индонезияга ташрифи чоғида ХХР Раиси Си Цзиньпин Осиё минтақасини ривожлантириш ва унинг иқтисодий интеграциясига кўмаклашиш мақсадида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банкини ташкил этиш ташаббусини илгари сурди. Зеро, ўша вақтларда бошқа жаҳон молиявий ташкилотларида ислоҳотлар паст суръатларда кечаётган, ривожланган айрим давлатлар манфаатларига хизмат қилаётган ва халқаро кредит ажратишда бошқа муаммолар юзага келаётганди. 2014 йилнинг 24 октябрида Пекиндаги маросимда 21 та мамлакат вакиллари Ўзаро англашув меморандумини имзолади. Улар орасида Ўзбекистон ҳам “салоҳиятли таъсисчи аъзо” давлат мақомини олди.

Ташкилот 2016 йил январь ойида Пекинда расман ўз фаолиятини бошлади ва шу вақтдан буён дунё бўйлаб 109 та тасдиқланган иштирокчини ўз сафида бирлаштиришга муваффақ бўлди. Банкнинг капитали 100 миллиард долларни ташкил этади. У йирик халқаро кредит рейтинг агентликлари томонидан “Triple-A” рейтингига эга.

Сўнгги йилларда мамлакатимиз банкнинг энг йирик бенефициарларидан бирига айланиб улгурди, бу ҳам янги Ўзбекистонда олиб борилаётган изчил ислоҳотларнинг яна бир самарасидир. Шу йилнинг 25-26 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳри Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгашининг IX йиллик йиғилишига мезбонлик қилгани Ўзбекистонга нисбатан дунёнинг юқори ишончи ва ҳурматини яна бир карра намоён этди. Ушбу саммитда 100 дан ортиқ мамлакатлардан юқори даражали делегациялар, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки ва бошқа халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари, етакчи хорижий компанияларнинг бошқарувчилари ва нуфузли экспертлар — умумий ҳисобда икки мингга яқин вакиллар қатнашди.

4

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК ТАФАККУР ЗАРУР

Яқинда мамлакатимизда муҳтарам устозлар, азиз мураббийлар ўз касб байрамларини кенг нишонлади. Уларнинг мамлакат суянчи ва таянчи бўлган ёш авлод қалбига илм-фан, маънавият зиёсини улашиш, миллат давомчиларини маърифатли қилишдек шарафли меҳнатлари муносиб баҳоланди.

Мушоҳада

Хусусан, Президентимизнинг соҳа вакиллари билан таълимда амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан мулоқот олиб боргани барчамиз учун ҳаяжонли, муҳим аҳамиятга эга тарихий воқелик бўлди. “Ватан ва халқ манфаати учун мардона курашадиган, фаол фуқаролик позициясига эга, билимли ва бунёдкор авлодни ким тарбиялайди? Албатта, сизлар — заҳматкаш ва жонкуяр устозлар”, дея эътироф этди уларни давлатимиз раҳбари.

Дарҳақиқат, мамлакат етакчисининг муаллимларга билдирган бу ишончи ва диққат-эътибори халқимизга жадидчилар аҳдини, “Тарбия тўғри йўлни танлаб беради”, дея миллат болаларига зиё улашган Авлонийларни эслатгани ҳолда таълим-тарбия тизимидаги ўзгаришлар марказида ватанпарвар, халқнинг эртасини ўйлайдиган, маърифатли, садоқатли авлодни етиштириш вазифаси турганини аниқ кўрсатиб берди.

Айтиш керакки, шиддат билан илдиз отаётган глобаллашув даврида ахборот хуружи, “оммавий маданият”, мафкуравий таҳдидлар ўргимчак тўридек ёйилиб, ёшлар онгини ёт ғоялар билан заҳарлашга уринишлар кўпаяётганда фақат илму маърифатгина инсонга нажот эшикларини очади. Шу боис келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни тарбияли, юксак маънавиятли, кенг тафаккурли, ўз фикрига эга, дунё меҳнат бозорида ривожланган давлатларнинг етук мутахассислари билан тенг беллаша оладиган рақобатбардош кадрлар қилиб тарбиялаш бугун муҳим аҳамиятга эга.

Демак, бундай муҳитда шарафли ва масъулиятли вазифани уддалай оладиган, юксак интеллектуал кучга эга, ўз билими, истеъдодига суянган, ҳеч кимдан кам бўлмаган навқирон авлодни камолга етказиш мамлакатда меҳнат қилаётган барча устозларнинг муқаддас бурчидир. Бу олий бурч унутилса, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, соҳага йўналтираётган маблағ, қурилаётган бино ва иншоотлар, моддий-техник база ҳавога совурилгандек бекорга кетиши мумкин.

Бундан анча йиллар илгари, ҳали мактабда ўқиб юрган чоғимизда муаллимларимиз келажакда ўқимишли, салоҳиятли, жамиятга фойда келтирадиган кадрлар бўлиб етишишимизга бизларни ишонтирган ва ўзлари ҳам бунга қаттиқ ишонган. Чунки бу миллат орзуси эди. Бироқ у вақтдаги шарт-шароитлар билан бугунги кун орасида ер билан осмонча фарқ бор. Ўқувчи ва талабаларнинг асосий вақти — “олтин даври” пахта далаларида мажбурий меҳнат шароитларида ўтарди. Муаллимлар исталган вақтда синфдаги барча ўқувчи билан бирга пахта далаларига, ғўза чопиғига, теримга ёки пилла ҳосилини йиғиштиришга олиб чиқиб кетиларди. Ўқувчилари олдида бундай муносабатларга лойиқ кўрилган устозлар касбини ёшлар орзу қилмагани ҳам сир эмас.

2



Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 8 октябрь

Ўзбекистон — МДҲ:

УМУМИЙ ТАРАҚҚИЁТ ВА ХАВФСИЗЛИК МАКОНИ

1 Хусусан, Ўзбекистонда уддаланаётган ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлиги ва бу борадаги халқаро ташаббуслар натижалари эътироф этилиб, 2024 йилда Тошкент шаҳри Ҳамдўстликнинг Ёшлар пойтахти, деб эълон қилинди.

2023 йил 13 октябрь куни Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган МДҲ Давлат раҳбарларининг йиғилишида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташкилотнинг олий мукофоти — МДҲ Фахрий нишони билан тақдирлангани Ҳамдўстлик доирасида кўп томонлама алоқаларни янада ривожлантиришга қўшилаётган ҳиссанинг яна бир юксак баҳоси бўлди.

Жорий йилда Ўзбекистоннинг асосий ташаббусларини амалга ошириш доирасида МДҲ Иқтисодий кенгашининг 101-йиғилишида 2011 йилдаги Эркин савдо битимига аъзо давлатлар ўртасида Эркин савдо тўғрисидаги битимга кириш бўйича музокараларни бошлаш имконияти тўғрисида Баённома қарори, Давлат харидлари бозори ҳамда МДҲга аъзо давлатлар ҳудудидан ўтувчи халқаро транспорт йўлакларини ривожлантириш ва инфратузилмани оптималлаштириш бўйича 2030 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Ҳаракатлар режаси қабул қилинди.

26 сентябрь куни Тошкентда МДҲга аъзо давлатлар таҳлил марказларининг “Узоқ муддатли ҳамкорликнинг янги кун тартиби” мавзуидаги халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Анжуманда таъкидланганидек, МДҲ Ўзбекистон учун муҳим ҳамкор, қўшнилар ва дўстлардир, улар билан мамлакатни тараққиёт ва хавфсизликнинг умумий макони бирлаштиради.

МДҲнинг Москвада бўлиб ўтадиган навбатдаги саммити ва унинг якунлари мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз фаровонлиги йўлида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги маконида кўп томонлама муносабатлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади.

«Дунё» АА.

ТАЪЛИМ СОҲАСИДА СТРАТЕГИК ТАФАККУР ЗАРУР



1 Оғриқлиси, ўшанда ўқитувчининг илмига, тажрибаси ва педагогик маҳоратига эмас, қўлидаги қоғозига қараларди, қоғоз гапирарди. Натижада саводи “яраланган” авлод шаклланди ва унинг таъсири кўп йиллар илм-фанни аросатда ушлаб турди.

Шукрки, у кунлар энди ортда қолди. Мамлакатга янги ҳаёт, янги давр руҳини олиб кирган Президентимиз Шавкат Мирзиёев миллий тарбия тизимини маҳкам тутиб, шу она халқнинг “Устоз отадай улуғ” нақлини қалбига жойлаб, зиё аҳлининг қадр-қимматини шундай юксалтирдики, бугун бу касб эгаларининг байрами уларнинг шаъни, қадрияти тантанасига айланди.

“Янгиланган Конституциямизда дунёдаги мўътабар шахс — ўқитувчи мақомини алоҳида мустаҳкамлаш, бу касбни жамиятдаги энг обрўли ишга айлантириш менинг неча йиллик орзуим, керак бўлса, армоним эди. Чунки ўзим ҳам кўп йиллар шу соҳада ишлаганман. Ўқитувчи меҳнати қанчалик оғир ва машаққатли эканини яхши биламан”, дея таъкидлади ўз нутқида Президентимиз.

Дарҳақиқат, муаллимларнинг орзу-армони рўёбга чиқди, Бош қомусимизда белгиланган бу ҳуқуқий ҳимоя “Педагогнинг мақоми тўғрисида”ги Қонунга асос бўлди. Вақт ўтиб илм аҳлига нисбатан жамиятда қарашлар буткул ўзгарди. Ўқитувчи шарафини ҳис этиш фақат соҳа вакилларининг эмас, балки бутун жамият, устоздан бир ҳарф ўрганган ҳар бир кишининг инсонийлик бурчи эканини кўпчилик тушуниб етди. Чунки муаллим обрўси — илмнинг, маърифатнинг ва миллат интеллектининг эъзози, мамлакат келажагининг пойдевори, стратегик тафаккурнинг мавжудлиги демак.

Стратегик тафаккур нима?

Бу, Президентимиз таъбири билан айтганда, таълим соҳасида ўн — ўн беш йил олдинни кўрмоқ, таълим масканлари фаолиятининг келгусидаги натижаларини бугун аниқлай билмоқ, уни келажак учун ишлайдиган даражага кўтармоқ дегани. Демакки, ўзгаришларга мойил давр муаллимларимиздан кучли стратег бўлишни тақозо этмоқда. Мамлакат етакчиси истаётганидек, боғча ёшидан тортиб талабаликка қадар ёшларимизни ҳар томонлама маърифат билан, маънавият стихияси билан ҳимояламоқ, уларнинг ишонч ва ҳайратга тўла покиза қалбини ўзгалардан аввал миллийлик, қадрият, бунёдкор мафкура билан забт этмоқ зарур. Зеро, эртага унинг тараққиёт йўлига — стратегиясига ҳеч бир куч ғов бўла олмасин. Учинчи Ренессанс меъморлари бўлган устозлар ўша ғовлару ўзга мақсадларни, уларни бартараф этиш усул ва услубларини камида ўн йил олдин кўра билишлари уларнинг қўлида тарбия топаётган ёшларнинг чинакам бахтидир. Бундан англаймизки, муаммо ечимининг калити — ўқитувчи қўлида.

Давлатимиз раҳбарининг “Таълим ва тарбия — бутун жамиятнинг муқаддас ишидир! Барчамиздан доимо ҳамжиҳатлик, фаоллик ва фидойиликни талаб этадиган ҳаёт-мамот масаласидир”, деган хитоби нақадар тўғри эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Таълим ва тарбия инсонни шакллантириш, унинг ақли, маънавияти ва жисмоний ҳолатини ривожлантириш, билими, кўникма ва қобилиятларини юксалтириш, ҳаётда ўз ўрнини топишига ёрдам бериш каби муҳим вазифаларни ўз зиммасига олар экан, бу ишда ота-она, маҳалла, қавму қариндош, дўсту биродар, таълим маскани, муаллимлар ва энг муҳими, жамият асосий ролни ўйнайди. Бу борада таъкидлаш зарурки, бизни таълим-тарбиядан аввал қилишимиз зарур бўлган муҳим бир ишимиз бор, бу — соғлом муҳит, муносиб шароит ва мақсадлари муштарак бўлган бунёдкор жамиятни яратиш.

Инсон онгини эгаллаш учун курашлар авж олган замонда унинг дунёқараши муҳит таъсирида ўзгармас экан, жамият ўзгармайди, жамият ўзгармас экан, давлат ўзгармайди. Ушбу ҳаёт қонунини чуқур тушунган давлат раҳбари айнан биз истаган муҳитни, шароитни шу жамият учун моҳирлик билан, катта куч ва шижоат, юксак матонат билан яратмоқдаки, бугун бу бунёдкорлик кайфияти бутун халқимизга кўчган.

Мана, натижада ўтмишда жадидларимиз орзу қилган кунлар, кутган мўъжизаларнинг барчаси ҳаётимизда муҳайё. Шундай экан, биз аждодлар орзусини, маърифатнинг, маънавиятнинг муқаддас вазифасини юрак-юракдан адо этмас эканмиз, шу халққа, жонажон миллатга ва дунёдаги энг азиз, мўътабар хазинамиз бўлган келажак авлодга хиёнат қилган бўламиз...

Янги Ўзбекистоннинг эртаси бўлмиш ёшларимизга зиё улашиш, таълим-тарбия бериш шарафига эга эканмиз, бу вазифа эмас, саодат йўли, олий бурч ва виждон амри дея олға интилажакмиз!

Баҳодиржон ШЕРМУҲАММАДОВ,
Фарғона давлат университети ректори,
профессор.

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯ ВА ИЛМИЙ НАЗАРИЯЛАР — МУАММОЛАРНИНГ МАҚБУЛ ЕЧИМИ

1 Ушбу конференция турли қитъаларда пахта илми билан шуғулланувчи олимларни бирлаштирди. Илмий-амалий ҳамкорлик йўлга қўйилди.

Хориждан келган етук олим ва мутахассислар юртимизда фаолият олиб бораётган илмий муассасалар фаолиятини ҳам чуқур ўрганишди. Пахта далаларимизни кўздан кечириб, ушбу нуфузли анжуманнинг Ўзбекистонда ўтаётгани бежиз эмаслигини яна бир бор эътироф этди. Маҳаллий ғўза навлари, тола намуналари ва ушбу толалардан ишлаб чиқарилган тайёр миллий маҳсулотларимиз уларда катта таассурот қолдирди. Шунингдек, конференцияда пахтачиликдаги мавжуд муаммоларнинг ечимлари юзасидан дунё олимлари ва етук экспертларнинг таклифлари ўрганилди.

Қишлоқ хўжалиги вазири Иброҳим Абдураҳмонов ўтказилган панель сессиялар, ўзаро муҳокамалар ҳақида сўз юритар экан, бугунги кунда ушбу муҳокамалар ҳамда тақдимотларда кўтарилган мавзулар пахтачилик секторидаги мавжуд муаммолар учун зарур ечимлар бўла олишини айтиб ўтди. Бундан ташқари, конференция давомида берилган таклифлар нафақат ҳозирги пайтдаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда, балки келажак учун ҳам жуда муҳимлигини қайд этди. Фақат бу каби тадбирлардагина эмас, келгусида ҳам ўзаро тажриба алмашишни мунтазам йўлга қўйиш ҳар томонлама манфаатли экани таъкидлаб ўтилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бутунжаҳон пахта тадқиқот конференцияси 1994 йилдан буён пахта етиштирувчи мамлакатларда ҳар тўрт йилда бир маротаба ўтказиб келинмоқда. Юртимизда бўлиб ўтган нуфузли анжуманда ғўза тадқиқотлари соҳасидаги 430 нафардан ортиқ халқаро ҳамда 200 нафарга яқин маҳаллий олимлар, шунингдек, 177 та пахта-тўқимачилик кластери ва корхона раҳбарлари иштирок этди.

Фахриддин БОЗОРОВ
(«Халқ сўзи»).

Маҳаллий Кенгашларда

Доимий комиссиялар фаолияти қониқарлими?

Олий Мажлис Сенатининг Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиясининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакиллари иштирокида ўтказилган мажлисида Тошкент шаҳар ва Фарғона вилояти Кенгашларининг Таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт ва ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича доимий комиссиялари фаолиятини ўрганиш якунлари муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, маҳаллий Кенгашларда доимий комиссиялар фаолияти тўлиқ йўлга қўйилган бўлиб, улар маҳаллий Кенгаш томонидан тасдиқланган низом асосида иш олиб бормоқда. Доимий комиссиялар томонидан маҳаллий Кенгаш иш режалари ижросини таъминлаш, назорат-таҳлил тадбирларини ўтказиш, мансабдор шахслар ҳисоботларини эшитиш йўлга қўйилган.

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши доимий комиссиясининг 16 та, Фарғона вилояти Кенгаши доимий комиссиясининг эса 14 та мажлиси ўтказилган.

Ушбу тадбирларда соғлиқни сақлаш, таълим, маданият органлари мансабдор шахсларининг қонунчилик ҳужжатлари билан улар зиммасига юкланган вазифалар ижро этилиши ҳолати бўйича ҳисоботлари эшитилган ва бошқа назорат тадбирлари амалга оширилган.

Шунингдек, доимий комиссиялар фаолияти билан боғлиқ ўз ечимини кутаётган айрим масалалар борлиги урғуланди ҳамда уларни бартараф этиш бўйича Маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи комиссиянинг тегишли қарори қабул қилинди.

Масъулларнинг ҳисоботлари эшитилди

Халқ депутатлари Бухоро вилояти Кенгашининг навбатдаги сессиясида дастлаб “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги Қонуннинг ёшларни илм-фан ва илмий фаолиятга жалб қилишга оид қисмининг вилоятда ижро этилиши ҳолатини ўрганиш якуни кўриб чиқилди. Шу масала бўйича Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси Одилжон Иминов ахборот берди.

Сессияда вилоятда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга оид давлат дастурлари бажарилиши, касалликлар профилактикасининг ҳолати, соғлом турмуш тарзини ва тўғри овқатланишни шакллантириш, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг асосий кўрсаткичлари юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳолатини ўрганиш якуни тўғрисида сенатор, вилоят ишчи гуруҳи раҳбари Абира Ҳусейнова ахборот берди.

Мазкур масала юзасидан вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи, Ғиждувон тумани ҳокими, вилоят эндокринология диспансери бош шифокори ва вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош шифокори ҳисоботлари эшитилди.

Кўрилган масалалар юзасидан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

190 компания маҳсулотлари намойиши

Пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” миллий кўргазмалар мажмуида “Иситиш, вентиляция, кондиционерлаш, сув таъминоти, сантехника, бассейнлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш технологиялари ва қайта тикланувчи энергия манбалари — Aquatherm® Tashkent 2024” 12-халқаро кўргазмаси ўтказилди.

Кўргазма

“Iteca Exhibition” халқаро кўргазмалар компанияси ва қатор ташкилотлар ҳамкорлигида уюштирилган ушбу тадбирда 12 мамлакатдан 190 компания ўз маҳсулотларини тақдим этди.

Ушбу кўргазма шаҳар инфратузилмасининг жадал ривожланиши ва энергия самарадорлигига эришишда ечим излаш учун катта майдон вазифасини ўтади. Унда дунёнинг турли ҳудудларидан келган етакчи мутахассислар, экспертлар ўз ғоялари ва инновацияларини тақдим қилди.

«Халқ сўзи».



ДУНЁ БИЗНИ, БИЗ ДУНЁНИ ТАНИДИК

Мамлакатимизда кейинги йилларда кечаётган кенг кўламли ўзгаришлар халқаро алоқаларимизда ҳам ўз аксини топиб, Ўзбекистон янада фаол ва прагматик ташқи сиёсат олиб бормоқда. Бу сиёсат ўзининг прогрессив характери ва тинчликпарварлиги билан жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўляпти.

Таҳлил

Айтиш мумкинки, ушбу жараёнда парламентнинг ўрни ва аҳамияти ошиб бораётир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ташқи сиёсатида белгиланган устуворликларни таъминлаш, халқаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлаш мақсадида 2020 — 2024 йиллар давомида Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ўз фаолиятини самарали амалга оширди.

Қўмитамиз томонидан қўшни мамлакатлар билан ўзаро дўстона ва яхши қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш, дунёдаги барча мамлакат билан очиқ, ўзаро манфаатли ва амалий ҳамкорликка қаратилган сиёсат олиб боришда парламентнинг ролини ошириш, хорижий мамлакатларнинг парламентлари билан ўзаро алоқаларни янада жадаллаштириш, миллий қонунчиликнинг қабул қилинган халқаро ҳужжатлар ва шартномаларга мувофиқлигини таъминлаш каби муҳим йўналишларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўтган даврда қўмитамиз қонун ижодкорлиги фаолияти йўналишида 39 та қонун лойиҳасига масъул бўлди ва уларнинг 38 таси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қабул қилинди. Масалан, биргина “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида”ги Қонунни энг муҳим ҳужжатлардан бири, десак, янглишмаймиз. Бу қонун Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолатига доир муносабатларни тартибга солишга қаратилгани билан аҳамиятли. Зеро, ҳужжатда Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва мажбуриятлари, уларга сиёсий бошпана бериш, уларнинг юртимизга кириши ва чиқиши, ҳудудимиз орқали транзит ўтиши ва қоидаларни бузса унинг жавобгарлиги, республикамизда бўлиш тартиби ва муддатини қисқартириш, шунингдек, ҳаракатланиши ва вақтинча яшаш жойи (доимий яшаш жойи)ни танлаши, меҳнат фаолияти ва бошқа ҳуқуқлари белгилаб қўйилган.

Ушбу қонун республикада чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқий мақомини тартибга солишнинг яхлит тизимини ўрнатишга, турли (қонуности) ҳужжатлар билан шакллантирилган ҳуқуқий асосларни унификациялаш ва чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар билан муносабатларнинг давр талабига мослаштирилишига хизмат қилмоқда. Зотан, у ёрдамида меҳнат муносабатлари соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликнинг шаффоф ва очиқ тартиби яратилиб, чет эл фуқароларининг давлат хизматларидан кенг фойдаланиш имконияти вужудга келди.



Қўмитамиз масъуллигида қабул қилинган яна бир муҳим ҳужжат — бу ногиронлиги бўлган шахсларнинг муаммоларини тизимли ва комплекс ҳал этишга қаратилган “БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни (Нью-Йорк, 2006 йил 13 декабрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Қонун бўлди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқий ҳимояси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис ушбу тоифадаги шахсларга Асосий Қонунимизда назарда тутилган фуқаролик, иқтисодий, сиёсий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган норма ва тамойиллари, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш лозим.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциянинг ратификация қилиниши бу тоифадаги шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича замонавий усуллар ва халқаро стандартларни жорий этишга, Конвенциянинг асосий қоидаларини амалга оширишга ёрдам берди. Энг муҳими, ногиронлиги бўлган шахсларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича халқаро ташкилотларнинг мақсадли ресурсларини жалб этиш имкони кенгайишига, мамлакатимизнинг халқаро имижи янада яхшиланишига хизмат қилди.

Қўмитамиз парламент назоратининг таъсирчан механизмларидан ҳам самарали фойдаланди. Жумладан, жойлардаги тизимли муаммоларни ҳал этиш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари зиммасидаги муҳим масалаларнинг ўз вақтида ижро қилиниши ҳолати ўрганилди ва унинг якунлари бўйича масъуллар ахборотлари қўмита йиғилишларида эшитиб борилди.

Сўнгги беш йилликда қўмитамиз томонидан назорат-таҳлил фаолияти доирасида 38 та тадбир ўтказилди. Қонунлар ва қонуности ҳужжатлари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибида ўрганишлар якунлари бўйича давлат ва бошқарув органлари мансабдор шахсларининг ахборотини эшитишга катта эътибор қаратилди. Хусусан, Ташқи ишлар, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик, Олий таълим, фан ва инновациялар, Маданият, Инвестициялар, саноат ва савдо, Иқтисодиёт ва молия вазирликлари раҳбарларининг муҳим масалалар юзасидан ахборотлари эшитилди.

Назорат фаолияти доирасида Ўзбекистонга инвестициялар жалб қилинишидан тортиб, инвестициявий лойиҳаларнинг жойлардаги ижроси масалаларини ўрганишда “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг хорижий инвестицияларга тааллуқли нормаларининг Фарғона, Жиззах, Самарқанд, Навоий, Тошкент вилоятларидаги ижроси ўрганилиб, улар асосида мутасадди давлат органларига тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, “Халқаро шартномалар тўғрисида”ги Қонун ва “Консуллик устави”га мувофиқ, Ташқи ишлар вазирлиги томонидан амалга оширилаётган ишлар бўйича қўмита томонидан назорат-таҳлил тартибида ўрганишлар олиб борилди ва улар асосида қонунчиликни такомиллаштириш борасидаги янги вазифалар аниқланган ҳолда вазирликка тегишли тавсиялар берилди.

Бундан ташқари, қўмита томонидан кейинги йилларда амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар ва учрашувлар давомида Европа, Осиё, Марказий Осиёнинг қатор давлатлари раҳбарлари билан бўлиб ўтган музокаралар чоғида эришилган келишувларнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган “йўл хариталари” бандларининг масъул вазирлик ва идоралар томонидан бажарилишига ҳам алоҳида эътибор берилди. Бунда аниқланган масалалар юзасидан икки томонлама парламентлараро муҳокамалар ўтказилиб, ижро органларининг эътиборига амалий тавсиялар ва ечимлар ҳавола қилинди.



Маълумки, охирги йилларда Олий Мажлиснинг халқаро алоқалари сезиларли даражада кенгайиб, 57 та хорижий давлат парламентлари, Европарламент ҳамда глобал ва минтақавий парламентлараро тузилмалар билан ҳамкорлигимиз янги босқичга кўтарилди. Олий Мажлиснинг хорижий давлатлар парламентлари билан ҳамкорлик бўйича гуруҳлари ва комиссиялари ишларини фаоллаштириш, амалий шерикликни кенгайтириш чораларининг кўрилиши натижасида парламентлараро ҳамкорлик гуруҳлари фаолияти ҳам сезиларли даражада жонланди.

Ҳозирги кунда улар Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш, хорижий давлатлар парламентлари билан тажриба алмашинувини йўлга қўйиш орқали ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўтган даврда сайловчилар билан мулоқотларда кўтарилаётган масалалар ва жойларда олиб борилаётган ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларга мутасаддилар эътиборини қаратган ҳолда, мавжуд муаммоларни ҳал этиш учун мансабдор шахсларга фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш мақсадида қўмита аъзолари томонидан 59 та депутат сўрови юборилди.

Халқ билан очиқ мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишларини, фикр-мулоҳаза ва таклифларини эшитиш кейинги йилларда депутатлар фаолиятининг асосий йўналишларидан бирига айланди. Қўмита аъзолари жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўз вақтида ўрганиш ҳамда уларни ҳал этишга алоҳида масъуллик билан ёндашди. Масалан, жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган 1700 га яқин мурожаатлар ўз вақтида ўрганилиб, улардан салмоқли қисми ижобий ҳал этилгани диққатга сазовор.

Кейинги пайтда фуқаролар томонидан йўлланаётган мурожаатларда қонун ҳужжатлари нормаларини такомиллаштиришга доир таклифлар салмоғи ҳам ортганини алоҳида қайд этиш жоиз. Ўз навбатида, қўмита томонидан амалдаги қонун ҳужжатларига зарур ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифларни ўрганиб чиқишга алоҳида аҳамият берилди.

Умуман олганда, ўтган даврда ўз олдимизга қўйган аниқ мақсадларга эришдик, фаолиятимиз ҳар томонлама мазмунли ва самарали бўлди. Энг асосийси, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, мамлакатимиз имижини юксалтиришга қаратилган муҳим қонунларни қабул қилишга эришдик, деб ҳисоблаймиз.

Дилором ФАЙЗИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси.

ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН СИФАТЛИ ТАЪЛИМ, МАЛАКАЛИ ТИББИЁТ ВА КУЧЛИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯНИ ТАЪМИНЛАЙМИЗ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сайловолди дастурида айни йўналишларда ҳам жуда муҳим ташаббус ва таклифлар илгари сурилган

O‘ZLIDEP

Сифатли таълим, малакали тиббиёт ва кучли ижтимоий ҳимоя ҳар бир жамиятнинг барқарор ривожланиши ва халқ фаровонлигини таъминлашда асосий омиллар ҳисобланади. Бу соҳаларнинг ривожи нафақат мамлакатнинг иқтисодий ўсишига ҳисса қўшади, балки фуқароларнинг соғлом турмуш тарзи, интеллектуал салоҳияти ва ижтимоий адолатга бўлган ишончини ҳам мустаҳкамлайди. Шу боис давлатимиз томонидан бу соҳаларни янада такомиллаштириш ва халқаро стандартларга мос даражада ривожлантириш устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинган.

*Кейинги етти йилда давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни **учинчи Ренессанс** пойдеворини яратиш стратегик вазифа сифатида белгиланиб, кенг кўламли тарихий ислоҳотлар, янгиланишлар амалга оширилмоқда. Шиддатли тус олган ислоҳотлар марказида инсон ва унинг қадри турибди. Зотан, инсон муносиб шароитда таълим-тарбия олиб, фаровон ҳаёт кечирган тақдирдагина, жамият ва давлат уйғунликда барқарор ривожланади.*

*Сиёсий платформаси **“Ўзбекистон — 2030”** стратегиясига ҳамоҳанг бўлган O‘zLiDeP Сайловолди дастурида баён қилинган жами 500 вазифанинг 167 таси, учдан бир қисми айнан ижтимоий масалаларга оид экани ҳам бежиз эмас.*

*Янги таҳрирдаги Конституциямизда Ўзбекистон **“ижтимоий давлат”** деб эълон қилиниши ва бу борадаги мажбуриятларнинг **уч баробарга кўпайиши** ҳар бир сиёсий куч учун ўзига хос “йўл харитаси”дир.*

Кейинги йилларда мамлакатимизда ижтимоий давлат тамойилларини қўллаш, таълимнинг барча босқичида қамров ва сифат даражасини ошириш, малакали тиббий хизмат кўрсатиш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш йўналишларида кўплаб ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш ўринли.

*Сўнгги 7 йил давомида таълим соҳасини ривожлантириш учун умумий ҳисобда **216 триллион** сўм сармоя йўналтирилди. Хусусий таълим учун яратилган имкониятлар туфайли хусусий мактаблар сони 27 тадан **500 тагача** кўпайди, нодавлат болалар боғчалари эса 250 тадан **30 мингтага** етди. Ўзбекистонда мактабгача таълим тизими дунё микёсидаги илғор тажрибалар асосида тубдан ривожланиб, боғчалар сони 8 баробар ошди, қамров даражаси эса 27 фоиздан **76,4 фоизгача** ўсди.*

*Олий таълим соҳасида ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилди. Қисқа муддат ичида **135 та янги олийгоҳ** ташкил этилиб, уларнинг умумий сони **211 тага** етди. Олий таълимга қамров эса 9 фоиздан **38 фоизгача** кўтарилиши тизимда амалга оширилган ислоҳотларнинг яна бир ёрқин мисолидир.*

Албатта, бу каби моддий ресурслар, биринчи навбатда, интеллектуал-маънавий ресурслар билан тўлдирилгандагина таълимда сифат, самара бўлиши шубҳасиз. Интеллектуал-маънавий ресурслар — бу, аввало, ўқитувчининг билим ва тажрибаси, маҳорати, унинг маданий даражаси, маънавий савияси деганидир.

Шунинг учун ҳам O‘zLiDeP ҳали соҳада ўз ечимини кутаётган масалалар мавжуд, деб ҳисоблайди ва ўз Сайловолди дастури доирасида электорат эътиборига қатор ғоя ҳамда истиқболли лойиҳаларни тақдим этмоқда.

Ургу берадиган жиҳати шундаки, мазкур таклифларнинг замирида таълим сифатини сезиларли равишда оширишга эришиш масаласи турибди.

Жамиятни маърифий юксалтиришга интилиш — устувор мақсад

Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг: **“Авлодларингизга фақат бугуннинг эмас, келгуси замоннинг илмини ўргатинг”**, деган пурмаъно даъвати партиянинг таълим йўналишидаги ислоҳотларида маёқ бўлиши табиий. Чунки дунё миқёсида рақобат янада кучайиб бораётган даврда яшайдиган болаларимизни келажакка тайёрлаб, соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш таълим-тарбия жараёнининг туб моҳиятини ташкил этади.

O‘zLiDeP бу ислоҳотларни қатъий қўллаб-қувватлаган ҳолда **мактабгача таълимга бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш**ни кафолатлайди. Бунда **давлат-хусусий** шериклик ва **нодавлат** мактабгача таълим ташкилотлари **биринчи навбатда** қўллаб-қувватланади. Биз таълим ва интеллектуал ривожланиш бўйича **янги Ўзбекистон дунёдаги етакчи мамлакатлар қаторига кириши зарур**, деб ҳисоблаймиз.

Ота-оналар фикри инобатга олиниб, барча боғчалар **компьютер синфи** билан таъминланишига эътибор қаратамиз.

Шунингдек, мактабгача таълим ташкилотлари ва умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларининг ўртача **иш ҳақини 2 баробар ошириш** чораларини кўрамиз. Бу саъй-ҳаракатлар билан биз **таълим сифатини** оширишга, ўқитувчиларнинг ишга, ўз касбига бўлган муҳаббатини юксалтиришга ҳисса қўшамиз.

Юқорида таъкидланганидек, таълим сифати ўқитувчига яратилган қулай имконият билан чамбарчас боғлиқ. Шу жиҳатдан биз умумий ўрта таълим мактабларида **153 мингдан ортиқ синф раҳбарлари** учун тўланадиган **маблағ миқдорини кўпайтиришни, уларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни таклиф қиламиз**.

Келгуси йилларда **Мактабларни ривожлантириш давлат дастури**ни жорий этиш O‘zLiDePнинг диққат марказида бўлади. Модомики, нажот илмда, маърифатда экан, биз 2030 йилга қадар қўшимча **2,5 миллион ўқувчи** ўрнини яратиш, **таълим сифатини** тубдан яхшилашни вазифаларимиздан бири сифатида кўрамиз. Чунки бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли сони йилдан-йилга ўсиб, бунга ҳамоҳанг тарзда мактаб ёшидаги болаларнинг сони ҳам кўпаймоқда.

Мактаб битирувчилари масаласи бизнинг доимий диққат марказимизда бўлади ва уларни касбга йўналтиришда фаол иш олиб борамиз. Шу жиҳатдан 2030 йилгача битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш кўлами **50 фоизга** етказилиши учун барча чорани сафарбар қиламиз. Бу эса уларнинг нафақат мамлакатимизда, балки хориждаги нуфузли университетларда ўқиши учун қулай имконият яратади. Албатта, биз ёшларимизни **“ТОП — 100”** глобал рўйхатга кирган университетларда таълим олиши учун **валютада узоқ муддатли** ва **имтиёзли кредитлар бериш** амалиётини жорий этиш тарафдоримиз.

Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самараси ўлароқ олий таълим муассасалари кўпайди. Пировардида талабалар ётоқхонасига эҳтиёж ортди.

Партиямиз келгуси йилларда олийгоҳлар учун қўшимча **120 минг ўринли ўқув бинолари** ва **150 минг ўринли талабалар тураржойларини** беш йилда бюджетдан тиббиётга ажратиладиган йиллик маблағ ҳажмини камида **2 карра** ошириш, яъни **6 миллиард долларга** етказишни асосий мақсадлардан бири сифатида белгилаган. Бунда асосий эътибор касалликлар профилактикасига қаратилади.

Оналар ва болалар ўлими, болалар ўртасидаги ирсий касалликларни камида **2 баробарга** қисқартириш, онкологик, юрак-қон томир, қандли диабет бўйича эрта ўлимни эса **2,5 баробарга** камайтиришга бор кучимизни сафарбар этамиз.

Биз хотин-қизлар ўртасида онкологик касалликларни камайтириш мақсадида **40 ёшдан ошган аёллар** учун тегишли **даврийликда тиббий кўрикдан** ўтиш жорий қилинишига эришамиз. Касаллик муддати ўтиб кетишига ва авж олишига йўл қўймаслик орқали **кафолатланган бепул тиббий ёрдам, унинг аниқ ҳажмининг** ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда партия фаол иш олиб боради.

Хориж тиббиётида ўзининг ижобий самараларини бераётган тиббий суғурта тизимига ўтишни бугун даврнинг ўзи тақозо этиб турибди. Биз **“Тиббий суғурта тўғрисида”ги** қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни тезлаштирамиз. **Давлат тиббий суғуртаси** билан бирга **нодавлат тиббий суғурта** тизимини **жорий этишни** муҳим ташаббус сифатида илгари сурамиз. Шу тариқа тиббиётда хусусий секторнинг улушини **25 фоизга** етказиш чоралари кўрилади.

O‘zLiDeP хусусий секторни қўллаб-қувватловчи сиёсий куч сифатида **нодавлат тиббиёт** муассасаларига аҳолининг ҳаёти, соғлиги ва санитария-эпидемиологик хотиржамлиги учун юқори даражадаги хавф-хатар билан боғлиқ тиббий фаолият турларидан бошқа **барча тиббий хизматларни** кўрсатишга, **мураккаб операцияларни** амалга оширишга **рухсат бериш** ва **лицензиялаш тартибини янада соддалаштиришни** таклиф этади.

Бироқ **“Адолат” СДПнинг қуйидаги ғоясини ножўя таклиф дея танқид қилишдан ўзга иложимиз йўқ.**

Уларнинг фикрича, тиббиёт даромад олиш манбаига айланиб қолмаслиги учун нодавлат тиббиёт ташкилотлари “тижорат ташкилоти”дан нотижорат ташкилотига ўтказилиши керак эмиш.

Бунга асло қўшилиб бўлмайди. Чунки хусусий тиббиёт соғлиқни сақлаш соҳасида сифат ва рақобатни ривожлантиришни таъминлайди. Хусусий тиббиёт давлат тиббий хизматига муқобил хизмат тури бўлиб, у давлат тиббиёт муассасаларига юкни камайтиради ва бюджет харажатлари иқтисод қилинишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда хусусий тиббиёт муассасалари сони 8,5 мингдан ошиб, жами тиббий хизматларда **22 фоиз** улушни ташкил этади. Тиббиёт соҳасига хусусий секторнинг кириб келиши Ўзбекистонда **тиббий туризмнинг** ривожланишига асос солди.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2024 йилнинг январь — июль ойларида жами **67,4 минг** нафар чет эл фуқароси даволаниш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Демак, хусусий тиббиётни нотижорат шаклга ўтказиш давлат тиббиёт муассасаларига юкламанинг ортишига, сифатнинг йўқолишига олиб келади. Натижада халқимиз зарар кўради.

«Ҳар бир оила ўз уйига эга бўлсин»

Мамлакатимизда Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида ижтимоий давлат қуриш ва унинг асосларини яратиш йўлида катта ислоҳотлар давом этмоқда. Ижтимоий давлат асослари эса ҳар бир оиланинг ўз уйига эга бўлиши билан чамбарчас боғлиқ. Бугун уй-жой қурилиши кенг кўламда амалга оширилаётгани фикримизга аниқ асос бўла олади. Партиямиз ҳам бу саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаган ҳолда **“Ҳар бир оила ўз уйига эга бўлсин!”** деган шиорни амалга татбиқ этади. Бинобарин, ҳаётга кириб келаётган ёш оилалар, биринчи навбатда, ўз уйига эга бўлиши лозим.

Бизнинг мақсадимиз келгуси йилларда қўшимча уй-жой қурилиши соҳасига **15 миллиард** доллар маблағни йўналтириш орқали **1 миллион** хонадонли уй-жойлар қурилишига эришишга қаратилган. Ажратилган маблағларнинг ўз ўрнида ва мақсадли ишлатилиши ҳам жуда муҳим. Партиямиз бундай уйларнинг шинам ва чиройли, зилзилага чидамли қилиб қурилишига катта эътибор қаратади.

Аҳолига **имтиёзли** ҳамда **узоқ муддатли кредитлар** берилишини тизимли йўлга қўямиз. Шунингдек, янги уй-жой сотиб олган фуқароларга **қўшилган қиймат солиғининг ярмини қайтариб бериш** тизимини жорий этамиз. Бу оилаларнинг уй-жой масаласини ҳал қилишда муҳим қадам бўлади.

Инсон қадри, ижтимоий ҳимояси — устувор мақсад

Янги таҳрирда қабул қилинган Асосий Қонунимизда меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари **давлат ҳимоясида** бўлишининг белгиланган мазкур соҳани ягона ёндашув асосида ислоҳ қилиш зарурлигини тақозо этмоқда.

O‘zLiDeP **“Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат”** тамойили асосида ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш ва камбағалликни қисқартириш йўлида тегишли чора-тадбирларни амалга оширади. Шу мақсадда, партия **Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг** вакилатлари ва фаолият кўламини янада кенгайтиришни таъминлаш орқали агентликка ижтимоий ёрдам ва ҳимоя хизматларини самарали ташкил этиш учун кўпроқ имконият ва ресурслар яратиб бериш тарафдори.

Меҳнатга яроқли аҳолига янада қулай ижтимоий муҳит яратишда партия фаол иш олиб бормоқда. Шу жиҳатдан биз маош олувчи фуқароларни меҳнатга **ҳақ тўлашнинг** энг кам миқдорининг **3 баробаригача даромад солиғидан озод этилишига эришамиз**. Саъй-ҳаракатларимиз аҳолининг оилавий даромади ошишига ва пировардида ҳаёт даражаси юксалишига хизмат қилади.

Биз ҳар бир одам қаёти қадрли эканини эътироф этиб, **ногиронликни белгилаш** жараёнларини соддалаштириш, сарсонгарчиликка йўл қўймаслик, Тиббий ижтимоий эксперт комиссиялари бемор тўғрисидаги маълумотларни **электрон тизимдан олиши ва электрон расмийлаштириши керак**, деб ҳисоблаймиз. Маълумотларни электрон тизимда олиш ва электрон расмийлаштириш инсон омили иштирокини камайтиришга хизмат қилади.

Партиямиз ногиронликни белгилашда **ижтимоий моделга ўтиш** йўналишида тизимли иш олиб боради. **Ишлаш истагидаги** ногиронлиги бор шахсларга **зарур шароитлар** яратилишини қўллаб-қувватлайди.

Келажагимиз эгаларига эътибор манзилни яқинлаштиради

Партиямиз ёшлар учун манфаатли **иш ўринларини яратиш** ва **тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш** йўналишларида тизимли ишлар олиб боради. Ёшларни ҳунар ва замонавий касбларга, хорижий тилларга ўқитиш, маънавияти ва маърифатини юксалтириш, китобхонликни ривожлантириш, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, IT соҳаси ва спортга кенг жалб этиш каби аниқ режаларни амалга оширамиз. Шунингдек, **ёшлар бандлиги** ва **ишбилармонлигини** фаол қўллаб-қувватлашни устувор вазифамиз сифатида белгилаганмиз.

Ёшлар учун замонавий касбларга ўқитиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқамиз ҳамда корхоналар буюртмаси асосида **касбга тайёрлаш** амалиётини жорий қиламиз. Бу орқали ёшларни **ишлаб чиқариш жараёнларига тайёрлаш** самарадорлигини оширишни кўзлаяпмиз. Шунингдек, партиямиз ташаббуси билан ҳар бир вилоятда камида 100 гектар майдонда **“Ёшлар ижтимоий-иқтисодий маркази”** ташкил қилинади ва бу марказлар ёшлар учун чинакам **“лойиҳалар фабрикаси”** бўлиб хизмат қилади.

Тадбиркорликка қадам қўйган ёшларимиз учун **микромолиялаш** хизматларини кенгайтириш ва замонавий молиявий инструментлардан фойдаланиш имкониятларини яратамиз. Шунингдек, ўз бизнесини **ижарага олинган бинода бошлаётган ёшлар учун ижара харажатларининг 50 фоизини бир йил давомида қоплаб бериш** механизмини жорий қиламиз.

Ёшлар орасида IT соҳасини оммалаштириш ва IT хизматлари экспортини кенгайтириш учун **“мактаб — олийгоҳ — IT компанияси”**дан иборат яхлит **“IT таълим”** занжирини яратишни кўзлаяпмиз.

Ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, **ёшлар учун махсус уй-жойлар қуриш** ва имтиёзли ипотека кредитларини ажратишни устувор вазифамиз сифатида белгилаганмиз. Шу мақсадда ҳар йили камида **1 мингта ёш оилага имтиёзли ипотека** кредитларини ажратишни таъминлаймиз ва бу орқали ёшларимизнинг ўз уйларига эга бўлишларига эришамиз.

Хотин-қизлар ва ёши улуғ инсонларга барча шароитлар яратилади

O‘zLiDeP жамиятда **аёллар тадбиркорлигини фаоллаштиришга** қаратилган сиёсатни изчил давом эттиради. Аёлларнинг **масофавий меҳнат ва рақамли тадбиркорлик** бўйича кўникмаларини оширишга жиддий эътибор қаратиш орқали улар орасидаги **ишсизлик даражасини 2 марта камайтириш** қатъий мақсадимиздир.

Бошқарув лавозимларидаги хотин-қизлар улушини **кўпайтириш** тарафдоримиз. Қийин аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар учун **ҳуқуқий** ва **психологик ёрдам кўрсатиш** хизматини кенгайтиришнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаймиз.

Туғруқ таътилидаги аёллар учун **онлайн ишлаш тизимини** жорий этиш юзасидан ҳуқуқий асослар яратилиши бўйича изчил иш олиб борамиз. Тадбиркорлик субъектларининг ёпилиши натижасида **ишсиз қолган ёш болали аёлларни** қўллаб-қувватлаш учун уларни **ишсизликдан суғурталаш** тизимини жорий қиламиз.

Кейинги йилларда мамлакатимизда кекса авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларни соғломлаштириш ишларини самарали ташкил этиш ва бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ижтимоий ҳаётдаги фаолликларини ошириш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Шу ишларни давом эттириш мақсадида O‘zLiDeP **кексалар соғлигини тиклаш** ва **мазмунли дам олиши** учун алоҳида дастур қабул қилиш таклифини илгари сурмоқда.

Партия мамлакатимиздаги уч миллиондан ортиқ нуронийлар **ҳар йили бепул тиббий кўрикдан ўтказилиши**, шифохона ва сиҳатгоҳларда даволаниши, улар учун юртимиз бўйлаб **саёҳатлар ташкил этилишига** кўмаклашади.

“Кексалар саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонунни қабул қилиш орқали **70 ёшдан ошган кексаларга бепул тиббий ва зарур ижтимоий хизматни кучайтириш**ни илгари сурамиз. Пенсия тизимини такомиллаштириш орқали жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг бир қисмини фуқаролар эҳтиёжлари учун улар **пенсия ёшига етмасдан тўлаб бериш** амалиётини жорий қиламиз.

Биз биргаликда катта кучмиз! Қудратимиз ҳам шу бирлигимизда! Янги Ўзбекистон тараққиёти учун бирлашган ватандошларимизни “Ваъда эмас натижа, эртага эмас бугун” учун, партиямиз учун овоз беришга чақирамиз!

Эркин ЗАХИДОВ,
Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар.







O‘zLiDeP ВА УНИНГ ДЕПУТАТЛИККА КЎРСАТГАН НОМЗОДЛАРИГА ОВОЗ БЕРИНГ!

Халқ сўзи
www.xs.uz /xalqsuzi.uz @xs_uz
2024 йил 8 октябрь

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

1 “Барча учун барқарор инфратузилма яратиш” мавзуида ўтказилган бу галги йиғилиш кун тартибидан глобал иқтисодиёт ва молия соҳаларидаги долзарб масалалар, Осиё ва дунёнинг бошқа минтақаларида инфратузилмани ривожлантиришнинг стратегик дастурлари ва режалари муҳокама қилинди. Бундай юқори даражадаги тадбирнинг ўтказилиши Ўзбекистоннинг жаҳон инвестициявий ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш билан бир қаторда, ишбилармон доиралар вакилларига мамлакатимизнинг иқтисодий, сармоявий, саноат ва ишлаб чиқариш салоҳияти, бой маданияти билан яқиндан танишиш имконини берди. Бу эса юртимизга сармоялар оқимининг янада кўпайишига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Эътироф этиш жоизки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки кўп томонлама ривожланиш банки сифатида барқарор, экологик тоза ва технологик инфратузилмаларни молиялаштириш орқали Осиёда ва ундан ташқарида инсонларнинг ижтимоий ва иқтисодий фаровонлигини ошириш билан шуғулланади. Банк барқарор инфратузилмани қўллаб-қувватлаш, трансчегаравий алоқаларни мустаҳкамлаш ва хусусий капитални сафарбар қилишга қаратилган. Марказий Осиёда ОИИБ минтақавий алоқаларни ривожлантириш, энергия ва сув ресурслари бошқарувини яхшилаш ҳамда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда асосий роль ўйнайди.

Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки Бошқарувчилари кенгаши IX йиллик йиғилишининг очилиш маросимида нутқ сўзлаган Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирокчилар эътиборини, энг аввало, юртимизда ўтказилаётган ислоҳотларга қаратгани бежиз эмас. Чунки Ўзбекистон ортга қайтмас ислоҳотлари билан дунё давлатларига намуна бўлмоқда. Бугунги кунда дунёда мураккаб геосиёсий вазият сақланиб қолаётган, глобал иқтисодиётда беқарорлик кучайиб, озиқ-овқат ва энергия ресурслари тақчиллиги ортиб, экологик муаммолар кескинлашиб бораётган бўлса-да, охирги саккиз йилда ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми 2 баробар кўпайиб, илк бор 100 млрд. доллардан ошгани, келгуси беш йилда бу рақам 160 млрд. долларга етиши кутилаётгани улкан ютуқ сифатида эътироф этилмоқда. Бу эса халқаро ҳамжамият томонидан “Ўзбекистон — Осиёнинг янги арслони” деб номланишига сабаб бўляпти. Ва бунинг учун бошқа асослар ҳам бор.



Масалан, тўрт йил ичида мамлакатимизда камбағаллик даражаси 23 фоиздан 11 фоизга туширилди. Камбағалликни қисқартиришнинг энг самарали усулларидан бири, бу — сифатли таълим. Шу нуқтаи назардан, Президентимиз таълимдаги лойиҳаларни халқаро молия ташкилотлари билан ҳамкорликнинг янги истиқболли йўналиши сифатида белгилаб олишни таклиф қилди. Айни чоғда, Ўзбекистон энергетика, сув, транспорт, IT ва бошқа инфратузилмаларни яхшилаш учун халқаро молиявий ташкилотларнинг ҳамкорлиги ва мададига янада кучли эҳтиёж сезмоқда. Зеро, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясига мувофиқ, 30 млрд. долларлик давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш бўйича катта дастур ишлаб чиқилган. Тошкент — Самарқанд ва Тошкент — Андижон йўналишларида пуллик автомобиль йўллари, Тошкент — Самарқанд, Самарқанд — Навоий — Бухоро йўналишларида тезюрар поездлар учун янги темир йўл қуриш лойиҳалари, 6 та халқаро аэропортни модернизация қилиш режалари шулар жумласидан.

Яна бир устувор йўналиш — “яшил” иқтисодиётни жадал ривожлантириш. Ўзбекистонда 2030 йилга бориб “яшил” энергия улушини 40 фоизга етказиш мақсад қилинган. Яқин йилларда қуёш, шамол ва гидроэлектр станциялар, инфратузилма объектлари ва тармоқларини қуриш режалаштирилаётир. Йирик “яшил” маълумотлар марказларини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари, қайта тикланувчи энергия манбалари ҳисобига “яшил” сертификатлар бозори шакллантирилади. Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиёни “яшил” энергиянинг йирик экспортчисига айлантиришга қаратилган лойиҳаларда ҳам фаол иштирок этмоқда. Бунга мисол сифатида Трансқаспий энергия кўприги қурилишини айтиб ўтиш мумкин. Лойиҳанинг амалга ошиши Ўзбекистон, Қозоғистон ва Озарбайжонга “яшил” энергияни Европа бозорларига биргаликда сотиш имконини беради.

> *“ОИИБнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги, изчил демократик ҳамда иқтисодий янгиланишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Сўнгги йилларда мазкур банк Ўзбекистон иқтисодиётига 3 млрд. доллардан зиёд сармоя киритди. Бунинг сабаби Ўзбекистонда инвестиция ва инвесторлар учун қулай, хавфсиз муҳит шаклланганлигидир. Президентимизнинг ташқи сиёсатдаги очиқлик ва ташаббускорликка асосланган сиёсати туфайли Марказий Осиё давлатлари ўртасида ишонч кучайди, у яхлит “организм”га айланиши учун жиддий қадамлар ташланяпти. Бунинг ортидан сармоялар Ўзбекистонга талпиняпти.”*

Шу ўринда йирик минтақавий инфратузилма лойиҳалари ҳақида сўз кетганда, қурилиши бошланаётган Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон темир йўли қурилиши ҳақида ҳам тўхталиш жоиз. Бу темир йўл Транс-Евроосиё транспорт йўлаги жанубий қисмининг тармоқларидан бирига айланади. Таҳлилларга кўра, унинг қурилиши ҳажми тобора ортиб бораётган юк ташиш ишларини самарали амалга ошириш, хусусан, ташиш вақти ва нархини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Юк ташиш йиллик ҳажми 15 млн. тоннагача етиши мумкин, товарларни якуний истеъмолчиларга етказиш муддати эса 7 кунга қисқаради. Бундан ташқари, замонавий транзит ва логистика инфратузилмаси, омборхоналар ва терминаллар, янги корхоналар ва ўн минглаб иш ўринлари яратилади, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми ва саноат кооперацияси кўлами, инвестициявий жозибадорлик ўсади ва асосий натижа — фуқароларнинг турмуш даражаси ошади.

Биламизки, айни пайтда жаҳонда ва Марказий Осиёда озиқ-овқат хавфсизлиги ҳамда сув ресурслари тақчиллиги муаммолари ўткир тус олаётир. Дунё аҳолисининг тўртдан бир қисми тоза ичимлик суви муаммосига дуч келаётгани, қарийб 800 млн. киши ўта қашшоқлик шароитида яшаётгани шундан далолат беради. Мамлакатимиз раҳбари Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан ҳамкорликда сув тежовчи технологияларни кенг жорий қилиш бўйича Минтақавий марказ ташкил этиш ташаббусини илгари сурганининг сабаби ҳам шунда. Бу ташаббуснинг рўёби сув тақчиллиги ошиб бораётган бир пайтда муаммо кўламини камайтириш имконини беради.

Боз устига жаҳонда рақобат кучайган, йирик давлатлар ўртасида зиддиятлар кескинлашиб бораётган бугунги даврда маҳсулот етказиб беришнинг анъанавий логистика занжирлари бузилмоқда, бу эса хомашё ресурслари ва истеъмол товарларининг қимматлашувига олиб келди. Буларнинг барчаси инфратузилмага бўлган юкламани кескин ошириб, иқтисодий ривожланишга тўсиқ бўляпти. Шу маънода, 2030 йилгача дунёда янги инфратузилма яратиш учун 15 трлн. доллар инвестиция талаб этилади, хорижий инвестициялар оқими эса сўнгги икки йил давомида йилига 10 фоизга камайиб, молиявий ресурслар нархи 2 баробар ошган.

Бундай шароитда ОИИБ каби халқаро молия ташкилотларининг роли тобора ортиб бормоқда. Банкнинг инфратузилма, энергетика, транспорт, сув таъминоти, хусусий секторни қўллаб-қувватлаш каби йўналишларни қамраб олган 15 та қўшма лойиҳа портфели 3 млрд. доллардан ошган, 4 млрд. долларлик янгиланган дастур ижроси бўйича келишувга эришилганлиги ҳам муносабатларнинг чуқурлашиб бораётганлигидан далолатдир. Масалан, ОИИБ билан ҳамкорликда Бухоро вилоятида амалга оширилаётган ичимлик суви тармоқларини яхшилаш бўйича 720 млн. долларлик лойиҳа қарийб 1,5 млн. аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлайди. Ёки Бухоро — Хива темир йўлини электрлаштириш лойиҳасини ишга тушириш натижасида Хива шаҳрига йилига қўшимча 1 млн. турист жалб қилиш имконияти яратилади.

Умуман, нуфузли халқаро молиявий анжуманнинг Самарқандда ўтказилиши нафақат Ўзбекистоннинг молиявий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида, балки бутун минтақа тараққиётида муҳим роль ўйнайди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Мазкур анжуман Ўзбекистонда демократик ривожланиш ва жамиятни янгилаш, эркин бозор иқтисодиёти асосларини мустаҳкамлаш, таркибий ўзгаришларни ва инвестиция дастурларини амалга ошириш борасида бажарилган ишларни яна бир бор юксак профессионал даражада танқидий баҳолаш учун қулай шароит яратди.

Шу маънода, ОИИБнинг Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлардаги, изчил демократик ҳамда иқтисодий янгиланишидаги ўрни ва аҳамияти беқиёс. Сўнгги йилларда мазкур банк Ўзбекистон иқтисодиётига 3 млрд. доллардан зиёд сармоя киритди. Бунинг сабаби Ўзбекистонда инвестиция ва инвесторлар учун қулай, хавфсиз муҳит шаклланганлигидир. Президентимизнинг ташқи сиёсатдаги очиқлик ва ташаббускорликка асосланган сиёсати туфайли Марказий Осиё давлатлари ўртасида ишонч кучайди, у яхлит “организм”га айланиши учун жиддий қадамлар ташланяпти. Бунинг ортидан сармоялар Ўзбекистонга талпиняпти. Хуллас, бугун Марказий Осиё минтақасида иқтисодиётнинг турли соҳаларида кенг кўламли инвестиция ва интеграция лойиҳаларини амалга ошириш учун, ҳеч бир муболағасиз, беқиёс истиқболлар очилмоқда, капитал ва товарлар учун қудратли ва улкан бозор юзага келмоқда, муваффақиятли бизнес учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Аслида ҳам халқаро иқтисодий ва сиёсий муносабатлар тизимида Марказий Осиёнинг улкан геостратегик ва геосиёсий, бой ресурс имкониятларига эга минтақа сифатидаги ўрни беқиёсдир. Ушбу салоҳиятдан фойдаланишнинг асосий йўналишларидан бири, бу — биринчи галда, улкан минтақамиздаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат. Бунда ОИИБ Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки ва Жаҳон банки билан ҳамкорликда ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган ҳамда ушбу жараёнга Марказий Осиё минтақасининг муҳим интеграциялашган қисмига айланиши лозим бўлган Афғонистонни ҳам фаол жалб қилишни кўзда тутувчи минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш дастурини ишлаб чиқишга кўмаклашиши мақсадга мувофиқ.

Асосийси — янги, кўп вариантли коммуникация ва транспорт, жумладан, автомобиль ва темир йўл тармоғини яратиш. Улардан бири — Президентимиз ташаббуси бўлган Жанубий ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлигини таъминлашга қаратилган Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Карачи темир йўли қурилиши. У эса келгусида Ҳинд, Атлантика ва Тинч океанларининг муҳим портларига чиқиш имконини берадиган ягона, ўзаро боғланган транспорт коммуникациялари тизимига айланади.

Иккинчидан, минтақа мамлакатларининг углеводород хомашёсига бой захираларининг истиқболли бозорларга чиқишини таъминлайдиган магистраль қувурларни модернизация қилиш ва ривожлантириш.

Учинчидан, сув ресурслари самарадорлигини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш бўйича мақсадли дастурни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Тўртинчидан, амалдаги магистраль тармоқлар ва электр қувватини ишлаб чиқарувчи тизимларни модернизация қилиш, шунингдек, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган минтақавий инфратузилмаларни ривожлантириш.

Бешинчидан, минтақа мамлакатларига кескин ижтимоий ва экологик муаммоларни ҳал этишда ёрдам бериш борасида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, соғлиқни сақлаш ва таълим тизимини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Минтақамизни фаровон ҳудудга айлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган бу йўналишларни муваффақиятли амалга ошириш ўзаро савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, Буюк Ипак йўлини замонавий асосда қайта тиклаш борасида муҳим қадам бўлади.

Шу маънода, ОИИБ каби молиявий ташкилотларнинг Ўзбекистонда ўз тадбирларини ўтказаётгани, йирик қўшма лойиҳаларга инвестициялар йўналтираётгани минтақа мамлакатларини қайта тиклаш ва янгилаш борасидаги ислоҳотларни янада жадаллаштириш, минтақавий ва халқаро интеграциялашув бўйича белгиланган режалар, умумэътироф этилган демократик мезонлар ва кадриятларга эришиш йўлида бизга қатъий ишонч беради.

Тўлқин ТЕШАБОЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.

СПОРТ

Юртимиз мезбонлик қилган жаҳон чемпионати якунланди





14 сентябрь — 6 октябрь кунлари юртимиз мезбонлик қилган футзал бўйича жаҳон чемпионати якунига етди. Тартиб бўйича ўнинчи бор ташкил этилган турнирда Бразилия ўз тарихида олтинчи чемпионлигини қўлга киритди.

Мундиал баҳсларида дунёнинг энг сара 24 та терма жамоаси 6 гуруҳга бўлиниб иштирок этди. Ундаги 52 та ўйин Тошкентдаги “Ҳумо арена”, Андижон ва Бухородаги универсал спорт мажмуаларида қизғин курашларга бой ўтди.

Финалда эса Жанубий Американинг энг кучли икки жамоаси тўқнаш келди ва якунда Бразилия Аргентина устидан 2:1 ҳисобида ғалаба қозониб, 12 йиллик танаффусдан сўнг яна жаҳон кубогини боши узра кўтарди. Бунгача 3-ўрин учун кечган баҳсда икки Европа жамоаси рўбарў келган ва унда Украина Францияни тор-мор этиб (7:1), бронза медалига сазовор бўлган эди.

Дарҳақиқат, миллий терма жамоамиз мусобақада муваффақиятли қатнаша олмаган бўлса-да, юртимиздаги мухлислик маданияти ҳамда мезбонлик даражаси дунёга яна бир бор амалда кўрсатиб қўйилди.

Элёр ҲАЙДАРОВ
(«Халқ сўзи»).

Саралаш баҳслари давом этади

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2026 йилда Канада, АҚШ ва Мексика яшил майдонларида ўтказиладиган навбатдаги Жаҳон чемпионати саралаш баҳсларининг Эрон ҳамда БАА терма жамоаларига қарши ўйинлар олдидан навбатдаги ўқув-машғулот йиғинларига киришди.

Ўзбекистон футбол ассоциацияси берган маълумотларга кўра, бош мураббийимиз Сречко Катанец саломатлиги ёмонлашгани сабабли шифокорлар тавсиясига кўра, ушбу баҳсларда қатнаша олмайди. Икки муҳим учрашувга жамоамизни унинг ёрдамчи мураббийлари Алеиш Чех ҳамда Владо Радманович тайёрлашади.

Мазкур йиғинга қуйидаги футболчилар чақирилган.

Дарвозабонлар: Ўткир Юсупов, Ботир Эргашев, Абдувоҳид Неъматов; **ҳимоячилар**: Рустам Ашурматов, Умарбек Эшмуродов, Ҳусниддин Алиқулов, Абдуқодир Ҳусанов, Фаррух Сайфиев, Ҳожиакбар Алижонов, Шерзод Насруллаев; **ярим ҳимоячилар:** Жамшид Искандаров, Азиз Турғунбоев, Акмал Мозговой, Одилжон Ҳамробеков, Абдулла Абдуллаев, Отабек Шукуров, Муҳаммадқодир Ҳамралиев; **ҳужумчилар:** Элдор Шомуродов, Бобир Абдихолиқов, Жалолиддин Машарипов, Хожимат Эркинов, Аббосбек Файзуллаев, Остон Ўрунов.

Дастлаб 3-турда Ўзбекистон терма жамоасини Эронга қарши ўйин кутиб турибди. “А” гуруҳининг етакчилари ўртасидаги беллашув 10 октябрь куни соат 19:00 да старт олади. Ўйин “Бунёдкор” стадионида ўтказилади.

15 октябрда эса БАА терма жамоаси футболчиларимиз билан Тошкентда саралаш учрашувининг 4-тур доирасида баҳс олиб боради.

«Халқ сўзи».

РЕКЛАМА

ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

қуйидаги лавозимларга кафедралар бўйича танлов эълон қилади:

Терапия факультети:

1. Гастроэнтерология ва физиотерапия кафедраси доценти, ассистенти;
2. Неврология кафедраси доценти;
3. Дерматовенерология ва косметология кафедраси мудири;
4. Кардиология ва геронтология кафедраси доценти;
5. Эндокринология кафедраси доценти.

Педиатрия факультети:

1. Болалик даври асаб касалликлари кафедраси доценти;
2. Клиник фармакология курси ассистенти;
3. 2-Акушерлик ва гинекология кафедраси ассистенти;
4. 1-Педиатрия кафедраси доценти;
5. Педиатрия ва болалар овқатланиши кафедраси доценти.

Хирургия факультети:

1. Офтальмология кафедраси катта ўқитувчи;
2. Шошилинч тиббий ёрдам кафедраси ассистенти;
3. 2-Ультратовуш диагностикаси кафедраси доценти, ассистенти;
4. Хирургик стоматология кафедраси ассистенти;
5. Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтияси кафедраси доценти.

Тиббий профилактика факультети:

1. Микробиология, иммунология ва молекуляр генетика асослари кафедраси катта ўқитувчиси;
2. Гигиена кафедраси ассистенти;
3. Клиник лаборатор диагностикаси кафедраси мудири, стажёр ўқитувчиси;
4. Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедраси доценти, ассистенти;
5. Эпидемиология кафедраси катта ўқитувчиси;
6. Гигиена кафедраси доценти;
7. ОИТС-инфекция муаммолари курси раҳбари — доценти.

Менежмент, ижтимоий ва бирламчи соғлиқни сақлаш факультети:

1. Тиббиёт техникаси ва инновацион технологиялар бўйича инженер-техник ходимлар кафедраси ассистенти;
2. Превентив тиббиёт ва валеология асослари кафедраси ассистенти;
3. Жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқариш кафедраси ассистенти;
4. Нейрохирургия кафедраси доценти.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй. Телефон.: 71-267-60-74.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1042. 12 718 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-45.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100066,
Тошкент шаҳри,
Ислом Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.01 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6